

## Ш а р т н о м а № 5

“ 19 ” январ 2022 й.

Поп ш.

“Тўрақўрғон нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Поп филиалининг қуйида “Таъминотчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **М.Ғаффоров** шахслигида бир томондан, иккинчи томондан «Истеъмолчи» деб аталувчи **Поп туман СЭО ва ЖСБ** номидан низомга асосан иш юритувчи корхона раҳбари **А.Бекназаров** шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификациясига биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **3 300 000 (Уч миллион уч юз минг)** сўмни ташкил қилади.

### 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

1.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Таъминотчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Таъминотчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Таъминотчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Таъминотчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Таъминотчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Таъминотчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хошишига кўра “Таъминотчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

1.4. Нефт маҳсулотлари “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи”

вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида «Истеъмолчи»нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Таъминотчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

1.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траснпортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Таъминотчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги «Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма»га мувофиқ амалга оширилади.

1.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Таъминотчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

1.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

1.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

1.9. «Таъминотчи» нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ**

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Таъминотчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Таъминотчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

### **4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

- а) «Таъминотчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
- б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Таъминотчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефт маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи» , «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

## **5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ**

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

1.10. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

1.11. Нефт маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефтмаҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади. Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР**

7.1. Ҳар икки томон ҳам қўйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,  
- нефтنيқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

## **8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

8.1. Қўшимча шартлар

---

---

## **9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала

томон мустакил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида хал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳукукий кучга эга.

9.4. Шартнома имзолангандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача хакикийдир.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Етказиб берувчи»

**«Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ**

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН:204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Оқтош ш. Бобур кўча 2-уй

тел: 444-12-11

«Харидор»

**Поп туман СЭО ва ЖСБ**

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Поп тумани Поп шаҳри Ойбек № 18 уй

Тел./факс: 69 433 19 33

Ш/Х: 400322860142197074110054001

СТИРи: 200088803

ОКОНХ: 71200

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик булими:

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент Булими

МФО: 00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Директор ввб: \_\_\_\_\_

**М.Ғаффоров**

Юрисконсулт: \_\_\_\_\_

**Х.Мухсиддинов**

Рахбар: \_\_\_\_\_

**А.Бекназаров**

(Ф.И.Ш)

Юрисконсулт: \_\_\_\_\_ **Х.Мухсиддинов**

Юрист хулосаси:

Мазкур шартнома шартлари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг ««Истеъмолчи» юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисидаги» Қонуни ва Фуқаролик Кодекси талабларига зид эмас. Шартномани имзолаш мумкин. **Х.Мухсиддинов** \_\_\_\_\_ юрисконсулт.

“Тўрақўргон нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти ва Поп филиали Поп туман СЭО ва ЖСБ ўртасидаги ўзоро тузилган 2022 йил 19 январдаги № 5-сонли шартномага

## СПИЦИФИКАЦИЯ

№	Маҳсулот номи	Вав СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Сумма
1	Бензин АИ 80		Кг	11000	300	3 300 000
	ЖАМИ					3 300 000

3 300 000 (Уч миллион уч юз минг) сўм

«Таъминотчи»

Турақўргон нефт базаси МЧЖ


Поп филиали

Бош бухгалтер

Таъминотчи

Директор в.в.б:

М.Гаффоров



«Харидор»

Поп туман СЭО ва ЖСБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Поп тумани Поп шаҳри Ойбек № 18 уй

Тел./факс: 69 433 19 33

Ш/Х: 400322860142197074110054001

СТИРи: 200088803

ОКОНХ: 71200

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик булими:

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент Булими

МФО: 00014

Ғазначилик бўлими СТИРи 201122919

Раҳбар:



А.Бекназаров  
(Ф.И.Ш)

## **ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ**

### **ХУЛОСА**

**№ ~~ОВ~~86554156**

Лойиҳанинг тури: Шартнома

2. Лойиҳанинг номи. Санитария-Эпидемиологик осоишталик ва Жамоат саломатлиги бошқармаси Поп туман бўлими “Тўрақўрғон нефт база” МЧЖ Поп туман билан нефт маҳсулотларини харид қилиш учун 2022 йил 19 январ кунги № 5- сонли шартномаси.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот  
Лойиҳа Поп туман Санитария-Эпидемиологик ва Жамоат саломатлигини сақлаш бўлими томонидан ишлаб чиқилган ва марказга 19.01.2022 йилда киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш қонун ҳужжатларига асосан қабул қилинган.

**Марказ бош юрисконсульти:**



**Н.Бораталиева**

**2022 йил 19 январ**